

Элликқалъада “Туризм қишлоғи” ташкил этилади, “Оилавий меҳмон уйлари” - сайёҳликнинг муҳим бўғини!

Каронавирус пандемияси кўплаб соҳа ва тармоқлар, хусусан, туризмга жиддий таъсир кўрсатди. Карантин талаблари юмшатилиши эса ички туризмни ривожлантириш учун йўл очди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, одатий ҳаёт тарзида туманимизда сайёҳликни ривожлантириш учун муҳим талаблардан бири хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиб, уларга хизмат кўрсатиш учун меҳмонхоналар ҳамда меҳмон уйларининг етарли бўлишидир.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, бугунги кунда туманимизда ўнлаб замонавий меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари ташкил қилинди.

Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жорий йилининг 7 сентябрь куни Элликқалъа туманининг Гулдурсин ҳамда Саҳтиён ОФЙларида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳокимлик, туман давлат хизматлари маркази, туман солиқ инспекцияси вакилларидан иборат ишчи гуруҳ 10 нафарга яқин оилавий меҳмон уйлари эгаларини яқка тартибдаги тадбиркорлик сифатида рўйхатдан ўтказиб,

Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрига киритди ҳамда уларга тегишли гувоҳномаларни топширди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Энди ушбу маҳаллаларда яшовчи оилавий меҳмон уйлари эгалари ўз меҳмон уйларида ташриф буюрувчи сайёҳларни қонуний тартибда қабул қилишлари мумкин.

Тадбирда Эликқалъа тумани ҳокими Сейдамат Авезов, Ўзбекистон республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Лола Зиқирллаева, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ходимлари ва тегишли маъсул соҳа вакиллари иштирок қилдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

Меҳмон уйларидаги Учрашувларда оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш, мазкур овул ва маҳаллаларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм овули”, “Туризм қишлоғи” мақомини бериш орқали давлат дастурига киритиш юзасидан амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар тўғрисида тегишли тушунтириш ва тавсиялар берилди

Бундан кўзланган асосий мақсад – тумандаги “Гулдурсин” овул фуқаролар йиғини ҳудудида зарур туристик инфратузилмани барпо этиш, оилавий меҳмон уйлари фаолияти ва қўшимча туризм хизматларини йўлга қўйиш, маҳаллий аҳолини туризм соҳаси бўйича тадбиркорликка кенг жалб этиш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва реал даромадларини оширишдан иборат.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги ахборот хизмати